2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

47 (597)

2007 йил 21 ноябрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Енгилнинг остида, оғирнинг устидамисиз?

▶ Савобга дахлдор бўлиш бахти

3 ▶ Бутун борлиқ уйғунликдан иборат

▶ Каттабек катта юмушларни уддалади

4 ▶ Киракашлар хирапашшага ўхшайди(ми?)!

▶ «Деразам тагидан ўтиб кетди ВАҚТ...»

Қашқадарё вилояти

ФАХРИЙЛАР САМАРҚАНД САФАРИДА

Яқинда қашқадарёлик фахрийлар, маҳалла оқсоқоллари ва фолларидан иборат бўлган 100 кишилик гуруҳ Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларига яқиндан гувоҳ бўлиш мақсадида қадимий ва навқирон шаҳарга саёҳат қилишди.

Зиёратчилар Гўри Амир мақбараси, дунё донишмандлари томонидан "Инсоният тафаккурининг шоҳ асари" дея таърифланган Шоҳи Зинда мажмуаси, Имом Бухорий ёдгорлиги ва бошқа тарихий обидаларни зиёрат қилиш билан бирга, Истиқлол йилларида бунёд этилган маданий-маиший бинолар, спорт мажмуалари, коллеж ва турли муассасалар билан ҳам танишишди. Шунингдек, Амир Темур хиёбонидаги Соҳибқирон ҳайкали пойига юксак эҳтиром рамзи сифатида гулчамбар қўйишди.

Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи А.Баҳромов фахрийларга истиқлол йилларида вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар ва келгусида амалга оширилиши мўлжалланаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Нуронийлар сафар давомида Самарқанд ер юзининг сайқали эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилишди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: *"Маҳаллам тарихини ўрганаман" республика кўрик-танлови иштирокчилари — Шаҳристон маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳикматой Норова ва маҳалла ёшлари.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Навоий вилояти

Тарихни англамай туриб, келажакни тасаввур этиб бўлмаслигини бугун ҳаммамиз биламиз. Шу боисдан мамлакатимиз тарихини ўрганиш, холис тадқиқ этиш йўлида кенг кўламли тадбирлар қўлланмоқда. Шунингдек, юртимиз маҳаллалари ҳаётидан ҳам тарихий мавзудаги маданий-маърифий тадбирлар алоҳида ўрин олган. Фуқаролар йиғинлари ҳудудида ташкил этилаётган музейлар, кутубхоналар ёшларимиз учун том маънодаги маънавият ўчоғига айланган. Масалан, Нурота туманидаги Шаҳристон маҳалласида ушбу маҳалланинг қадимдаги ҳаёти ва тарихидан ҳикоя қилувчи музей ташкил этилган. Унда тарихга оид бебаҳо экспонатлар сақланмоқда.

Самарқанд вилояти

"Асрлар оша абадият сари"

Самарқанд шаҳридаги вилоят Ахборот ресурслари марказида "Асрлар оша абадият сари" деб номланган 2008-2009 ўқув йили учун умумтаълим мактаблари ўқувчиларига мўлжалланган дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма ярмаркаси ўз ишини бошлади.

Жорий йилнинг 18 декабригача давом этадиган мазкур ярмарканинг очилиш маросимида иштирок этган "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", "Ўзбекистон", "Маънавият" ҳамда Чўлпон, Ғофур Ғулом номидаги нашриётлар раҳбарлари, ёзувчи ва шоирлар республикамиз нашриётларида чоп этилаётган китобларнинг сифати, илмий-оммабоплиги, уларнинг МДҲ ва хорижий мамлакатларда ўтказилаётган турли кўрик-танловларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида тўхталиб, самарқандлик китобхонларнинг талаб ва таклифлари билан ўртоқлашдилар.

"Китоб байрами"да "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган П.Қодировнинг "Амир Темур сиймоси" тарихий-бадиа романи, А.Қаҳҳор ҳақида хотиралар жамланган "Адабиётимиз фахри", "Самарқанд — 2750" китоб-альбоми ва бошқа кўплаб китобларнинг тақдимоти ўтказилмоқда.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Олий Мажлис Сенатида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ — ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР АСОСИ

Мамлакатимиз Асосий Қонуни қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги олдидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган, "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — ҳуқуқий ислоҳотлар асоси" мавзусига бағишланган давра суҳбати 20 ноябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари Конституцияни давлатимизни равнақ топтиришнинг мақсад ва истиқболларини белгилаб берган, унинг барқарорлиги ҳамда ижтимоий тараққиёти пойдеворига асос солган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари гарови бўлган бағоят муҳим, асосий сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат дея таъкидладилар. Ўз тараққиёт йўлини танлаб олган халқимиз учун Конституция янги эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ишончли ҳуқуқий кафолати бўлиб қолди.

Муҳокама ва ўзаро фикр алмашувлар асосида айтилганидек, мустақиллик йиллари мобайнида давлатчилик ҳамда ҳуқуқий ривожланиш борасида Ўзбекистон эришган ютуқлар Конституциямиз принциплари ва нормалари амал қилаётганлигининг самарасидир. Сўзга чиққанлар халқимизнинг кейинги йиллардаги ютуқларига баҳо берар эканлар, Асосий Қонуннинг улкан роли ҳамда салоҳиятини холислик билан эътироф этиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шунга алоҳида урғу бериб айтдики, "... мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир".

Мамлакатимизнинг етакчи олим ва ҳуқуқшунос мутахассислари ўз сўзларида Конституция негизидаги суверен тараққиёт йилларида бизда бутунлай янги илғор қонунчилик шаклланганлигига ҳам эътиборни қаратдилар. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мамлакатни эркинлаштириш ва модернизациялаш ўзанида киритилган тузатишлар конституциявий-ҳуқуқий ислоҳот амалга оширилаётганлиги ва конкретлик касб этаётганлигидан ёрқин далолатдир. Бу тузатишлар демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизни кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари илгарилаб бориши зарурияти тақозосидир.

Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳот сайловлар ўтказишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмининг қайта шакл топишига олиб келдики, бу хусусан давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайганлигида намоён бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси Конституциянинг барқарорлиги ва ҳаётийлиги қонунларимиз доимий равишда янги мазмун ва моҳият билан тўлдириб борилаётганида, асосий қомусимиз нормалари ижтимоий-ҳуқуқий амалиётда мужассам топаётганлигида ёрқин намоён бўлаётганлигидан далолат беради.

Давра суҳбати иштирокчилари демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этишнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган дастурий мақсадларига мувофиқ мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ишларини бундан буён ҳам давом эттираверишнинг зарурлигига эътибор қаратдилар.

Масалани муҳокама этиш асосида тадбир иштирокчилари қонунчилик иши сифатини яхшилаш, Конституциянинг роли ва аҳамиятини янада кенгроқ тарғиб этиш хусусида, фуқароларнинг Конституция борасидаги билимларини чуқурлаштириш, уларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданияти даражасини юксалтириш тадбир-чораларини амалга ошириш масалалари юзасидан қатор таклифлар билдирдилар.

Давра суҳбати якунлари асосида иштирокчилар тегишли тавсия қабул қилдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенаторлари ва депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, вазирлик ва идоралар, илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари, турли жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

/ЎзА/

Обуна — 2008

Бухоро вилояти

МАЪЛУМКИ, айни кунларда республикамизда 2008 йил учун матбуот нашрларига обуна мавсуми давом этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда чоп этиладиган газета ва журналлар орасида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ривожига ҳар томонлама ҳисса қўшиб келаётган, қишлоқ ва маҳалла фаолларига яқин кўмакчи бўлаётган "Mahalla" газетаси ҳам ўзининг кўпсонли муштарийларига эга.

Олотда ОБУНАЧИЛАР кўпайди

Буни биргина туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Олотда 41 та ўзини ўзи бошқариш органлари мавжуд. Бугунги кунгача уларнинг ҳар бири 2 донадан, жами 110 нусха "Mahalla" газетасига келгуси йил учун йиллик обуна бўлишди. Бундан ташқари, туман халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бўлимлари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ҳам газета обунасини ташкил қилишда ташаббускорлик кўрсатишмоқда.

Бахтиёр ВОҲИДОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Олот тумани бўлинмаси раиси.

Андижон вилояти

ҲАР МАҲАЛЛАГА 3 "Mahalla"

АСАКА шаҳрида ҳам 2008 йил учун матбуот нашрларига обуна мавсуми қизғин паллага кирган. Айни кунга қадар шаҳардаги 18 та маҳалла ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар "Mahalla" газетасига 60 дона обуна бўлдилар. Бундан кўринадики, "Mahalla"нинг асосий муштарийлари сафи ҳам йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Газета мухлислари бунинг сабабини "Mahalla" саҳифаларида чоп этилаётган мақолаларнинг қизиқарлилиги, ўқишли ва ранг-баранглиги ҳамда мавзуларнинг долзарблиги билан изоҳлашмоқда.

— Обуна ишларини уюштиришда шаҳар ҳокимлиги ва «Халқ банки» шаҳар бўлимри бизга яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси раиси Мўйдинжон Дадажонов. — Бўлинмамиз ҳисобидан эса ҳар бир маҳалладан биттадан кам таъминланган оила учун "Mahalla" газетасига йиллик обуна уюштирилди.

Айни пайтда Асакада обуна ишлари давом этмоқда.

У.САКСОНБОЕВ

Мулоҳаза мунозарага чорлайди

ТАРМОҚЛИ ТИЖОРАТ «СИРИ»...

"Юқори даромадли иш", "Тез ва осон бой бўлишни истайсизми? Бизга мурожаат қилинг..." Таниш жумлалар-а? Қаерда ўқигансиз бундай эълонларни? Адашмасам, автобекатда, симёғочларда ёхуд хусусий матбуот нашрларида?.. Эладингизми? Хўш, хулосангиз қандай, ижобийми ё салбий?

Албатта, ушбу саволларга барчадан бир хил жавоб олиб бўлмайди. Негаки, орамизда худди шундай эълонлар сабаб юқори даромадга умид боғлаб чув тушиб қолганлар ёки бўлмаса, эълонда кўрсатилган манзилга боришга эндигина бел боғлаган умидворлар қанча? Қайси бир танишингизга худди шу эълонни кўрсатсангиз, "Буларнинг ҳаммаси шу: ишнинг отини айтмайди-ю, яна фалонча даромад вадда қилишади. Бўлмаган гап", деб ёзғириб қолса, яна кимдир "Нима иш қилиш керакligini яхши билмайману, лекин зўр ҳақ тўлашаркан", деб оғиз қўпиртиради. "Шундай мойли жой экан, газетга эълон бериб нима қиларди, ҳаммага ўрин етармакан ёки танлов-панлови борми?" дегувчилар ҳам бор.

Қизиқ-а, тўғрими? Ахир ким ҳам бой бўлишни истамайди? Бунинг устига, тез ва осон! Хўш, бу қандай иш эканки, бир зумда киссангиз пулга тўлса?

ИШЛАМАГАН ТИШЛАЙДИМИ?

БУГУН замон ҳам, одамлар ҳам ўзгарди, пул топишнинг турфа йўллари, турфа усуллари "кашф этилди". Энг ажабланарлиси, айни пайтда бировнинг пулини бировга узатиб ҳам "бир нарсалик бўлиб қоладиганлар" тоифаси шаклланиб бормоқда. Қандай қилиб дейсизми? Масалан, бирор хориж компаниясига аъзолик бадалини тўлаб мижоз бўласиз. Сўнгра ўз навбатида компания маҳсулотларига ўз танишларингиз орасидан мижозлар топасиз. Ўша танишларингиз ҳам сиз қилган ишни такрорлашади — ўз ортидан мижозларни эргаштириб келаверади. Қарабсизки, компания маҳсулотларини сотиб бойийди, сиз эса жалб қилган мижозларингиз маблағи салмоғига қараб улуш оласиз. Бугун бундай пул топиш йўлини кўпчилик тармоқли тижорат ("сетли маркетинг"), баъзилар "шахсий бизнес", "таниш-билишлар бизнеси" каби иборалар билан номлашмоқда.

Давоми 2-саҳифада ⇨

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Бел оғритмай топилган пулнинг баракаси бўлмайди!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93

Тел/Факс: — 133-44-25

Масъул котиб: 136-53-75

Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йил учун обуна бошланди.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Самарқанд вилояти

САРОЙ-ҚЎРҒОН қишлоқлари

оқсоқолларнинг саъй-ҳаракати ва ҳомийлар саховати туфайли обод бўлмоқда

Саройқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини таркибида Баландравот, Ғаниобод, Қорадарё сингари олтита маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда 23 та қишлоқ мавжуд. Йиғин Тошкент — Бухоро автомагистрали бўйида жойлашгани туфайли Каттақўрғон шаҳри ва туманини боғловчи ҳудуд ҳисобланади. Оқсоқолларининг бамаслаҳат иш юритиши, ҳамжиҳатлиги сабаб ушбу йиғин тумандаги энг обод масканлардан бирига айланган.

Ҳудудда 4 та жамоат ташкилоти, 6 та мактаб, 2 та мактабгача таълим муассасаси, 6 та тиббиёт пункти, 32 та пахтачиликка, 58 та узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда.

— Қишлоғимиздаги 3540 та хонадонда 15689 нафар фуқаро истиқомат қилади, — дейди Саройқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тошпўлат Мавлонов. — Аҳоли осойишталигини таъминлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жиноятчилик, гиёҳвандликка қарши кураш борасида бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиққанмиз. Бамаслаҳат амалга оширилаётган тадбирлар ўз самарасини кўрсатяпти. Бу ишларни амалга оширишда саховатли маҳалладошларимизнинг ёрдамини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ғайбулла Искандаров, Салоҳиддин Қиронов, Шаҳрибону Султонова, Одир Исматов, Олия Худойқулова, Мавжуда Халилова каби тадбиркор ва фермерлар ҳомийлигида 7,5 километр узунликда ариқ-зовур қазилиб, экинзорларга қўшимча сув олиб келинди. Ҳомийлар кўмагида 57-мактаб-интернатида тарбияланаётган болакайларнинг суннат тўйини ўтказдик. Шунингдек, йиғин ҳудудидаги учта асосий йўл ҳамда Мухтор номли қишлоқнинг 21 та кўчаси текисланиб, шағал ётқизилди, биттаси асфальтланди.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Йил моҳияти

БАРЧАГА ДАХЛДОР ЮМУШ

Ижтимоий ҳимоя йўлидаги хайрли ишлар ҳар биримизнинг бурчимизга айланиши лозим

Кучли ижтимоий сиёсат юритиш Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг беш асосий тамойилидан биридир. Мазкур тамойилнинг ҳаётга самарали ва оқилона татбиқ этилиши натижасида ўтиш даврига хос бўлган, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари турмушига салбий таъсир этиши мумкин бўлган иқтисодий қийинчиликлар босқичма-босқич бартараф этиб борилмоқда. Хусусан, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, ногиронлар, ёлғиз кексалар, талабалар ва пенсионерларни қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори мунтазам равишда қайта кўриб чиқилиб, оширилиши, кенг кўламли имтиёзлар, компенсациялар, бюджет ҳисобидан қоплаш каби моддий тўловларнинг жорий этилиши бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар қамрови нечоғлик кенг эканидан далолат беради.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани ижтимоий таъминот бўлими ҳамиша гавжум. Масалан, жорий йил бошидан буён пенсия таъминоти борасидаги ислоҳотлар хусусида маълумот сўраб мурожаат қилган пенсионерлар сони 4500 нафардан ортди.

СУРАТДА: *бўлимнинг катта мутахассиси Дилбар Исоқова тумандаги Қовунчи маҳалласи фуқароси, ўз вақтида Фарғона канали қурилишида иштирок этган пенсионер Амир ота Бўтаев билан суҳбатда.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Юртбошимиз "Давлат ўз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонпарвар бўла олади", деб таъкидлаган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда ўтаётган йил "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинди, махсус Давлат дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган вазифалар изчил амалга ошириляпти. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига, жумладан, ногирон ва ёлғиз кексаларга аниқ, манзилли, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлиги оширилиб, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик, меҳр-оқибат муҳити қарор топтирилмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 19 мартдаги "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда шу йилнинг 17 сентябридаги "Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари ана шундай эзгу мақсадларга қаратилган. Албатта, бу каби Фармонлар ва "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш фақат давлат идораларининг вазифаси эмас. Буни Юртбошимизнинг ижтимоий ҳимоя масаласи давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларигагина тааллуқли иш бўлиб қолмай, балки бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши лозимлиги ҳақидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди. Зеро, ижтимоий ҳимоя юртдошларимизнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари натижасидагина самарали амалга оширилиши мумкин.

Н.ШОҲНАЗАРОВА,
Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-Давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси.

Саховатпешалардanмиз

Сирдарё вилояти

Шарқ файласуфларидан бири "Кимдаки сахийлик одати йўқдир, яхшилик кутмоқлик ҳожати йўқдир" деганда минг бора ҳақ гапни айтган эди. Чиндан ҳам, сахийлик ва мурувват кўчасидан ўтмаган одамдан яхшилик кутиш мумкинми? Бироқ бугун орамизда шундай инсонлар борки, улар нафақат хайрли ишларга бош қўшиб, балки бошқаларни ҳам шунга даъват этиб яшаётганликлари билан бошқаларга ўрнак.

МУРУВВАТ — кўнгилга далда

Яқинда Гулистон шаҳридаги "Ногиронлар уйи"га салкам 2 миллион сўмлик ошхона жиҳозлари ҳадя қилинганини эшитиб, қувондик. Мебеллар жамланмаси, идиш-товоқлар, парда ва бошқа жиҳозлардан иборат бўлган ушбу ёрдамни "Йил аёли" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби, тиббиёт коллежи ўқитувчиси Гулнора Қосимова кўрсатган экан.

Дарвоқе, Гулнорахон даставвал тиббиёт техникумида, сўнгра вилоятдаги педагогика институтининг биология факультетида таҳсил олган. Айни пайтда Гулистон шаҳридаги тиббиёт коллежида бўлажак тиббиёт ходимларига биология ва микробиология фанларидан сабоқ бериб келяпти.

— Хайру саховат кўрсатиш халқимизга хос бўлган азалий анъаналардан бири, — дейди Гулнора Қосимова. — Савоб иш қилган инсон руҳи кўтарилиб, дилида хотиржамлик туяркан. "Ногиронлар уйи"да яшаётган кўнгли кемтик, имконияти чекланган одамларга озгина бўлса-да қувонч улашганимдан хурсандман. Аслида бизнинг эътиборимиз, маънавий қўллаб-қувватлашимиз уларга далда бўлади, ҳаётига мазмун бағишлайди. Кўнгли ўксикларнинг кўзларида порлаган шодлик учқунларини кўриш ҳам бахт.

Дарҳақиқат, файласуф шоир Умар Хайём:

Бир ғариб кўнглини эта олсанг шод,
Яхшидир ер юзин қилгандан обод,

дея мисралар битганида айнан шундай эзгу амаллар қилишнинг савоби ҳақида фикр қилгани шубҳасиз.

Т.ҲАЙИТБОЕВ

Жиззах вилояти

Кўрик-танлов давом этади

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

Вилоят Маънавият-тарғибот марказида "Энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 14 нафар иштирокчи ўзаро куч синашди.

Баҳс-мунозара ва муросасиз беллашувлар асосида ўтган ушбу тадбирда Бахмал туманидаги маиший хизмат коллежи ўқитувчиси Али Оқмирзаев биринчи, Жиззах туманидаги Ҳ.Олимжон номли 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулчеҳра Мелиева иккинчи ўринни эгаллаб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Кўрик-танлов ғолибларига вилоят Маънавият-тарғибот маркази, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

А.ҚАРШИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

АҚШ ҲАРБИЙЛАРИ ХИЗМАТДАН БОШ ТОРТМОҚДА

АҚШ ҳарбий қўшинларида дезиртирлар (ҳарбий хизматни ўташ даврида қочиб кетганлар) сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Бу борадаги кўрсаткичлар 1980 йилдан буён ўсиб келаётган эди. Айни кунда дезиртирлар сони ортиши мамлакат тарихида энг юқори нуқтага етди ва 2003 йилдагига нисбатан қарийб 80 фоизга кўпайди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, дезиртирлар сони Вьетнам уруши пайтидагига нисбатан камроқ бўлса-да, жорий йилда кескин кўпайган: минг нафар америкалик ҳарбийнинг тўққизтаси ҳарбий хизматдан бош тортган. Умуман, 2007 йил давомида 4700 нафар аскар ҳарбий қисмларни тарк этган. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан бир ярим минг нафарга кўпдир.

Ушбу хабарни Associated Press агентлиги АҚШ ҳарбий қўшинларидаги режалаштириш ва таъминот бўлими берган маълумотларга асосланиб тарқатган.

ХАВФЛИ ЖИНОЯТЧИ ҲИБСДА

КЕЙИНГИ ўн йил давомида Британиядаги барча махсус хизматлар ва полициячилар томонидан қидирилаётган хавфли жиноятчи — 45 ёшли Жеймс Френсис Херли яқинда Голландиянинг Гаага шаҳрида тасодифан қўлга тушди.

Гаага полиция хизмати ходимлари шаҳардаги бинолардан бирида кўкнори етиштирувчи иссиқхона мавжудлиги ҳақидаги хабарни олгач, ўша бинога махсус рейд уюштирди. Лекин бинода кўкнори етиштирилмас экан, бунинг ўрнига у ерда кимёвий усулда тайёрланган, кўкнори ўсимлигидан юз карра хавфли гиёҳванд моддаларнинг жуда катта миқдори топилди. Бу оғу ўчоғини икки англиялик фуқаро "қўриқлаб" турган бўлиб, улардан бири энг хавфли жиноятчилар рўйхатида турувчи Херли экан. Херли 1988 йилда Лондонда қуролли ўғирлик содир этган, бир полициячининг умрига зомин бўлган эди. Бу жинояти учун у умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилган. Лекин жиноятчи 1994 йилда бир қамоқхонадан бошқасига олиб кетилаётган пайтда кўриқчига пичоқ тираб, қочишга улгурган. Шундан буён Британия полициясининг Херлини топиш ва ҳибсга олиш борасидаги барча саъй-ҳаракатлари беҳуда кетаётган эди. Херлининг номи ўта хавфли ва тинмай қидирилаётган 10 нафар ашаддий жиноятчилар рўйхатига киритилган. Скотленд-Ярд маъмурияти Херлини ҳибсга олишгани учун голландиялик ҳамкасбларига миннатдорчилик билдирди.

ҚИРОЛИЧАНИНГ ОЛМОС ТЎЙИ

БУЮК БРИТАНИЯ қироличаси Елизавета Иккинчи ўтган куни Эдинбург герцоги Филипп билан турмуш қурганининг 60 йиллик олмос тўйини нишонлади.

Тантанага 2000га яқин олийнасаб меҳмонлар таклиф этилди. Қизиғи шундаки, қироличанинг олмос тўйи тантанасида қатнашган черков хорининг беш нафар иштирокчиси бундан 60 йил муқаддам Елизавета ва Филиппнинг никоҳдан ўтиш маросимида ҳам хор жамоаси таркибида иштирок этишган экан. Тўйда қиролича ва герцогдан ташқари олмос тўйи айнан шу кунга тўғри келган яна 10 та жуфтлик қатнашди. Қиролича Филиппга турмушга чиққач, бирмунча вақт Мальта оролида яшаганликларини эслаб, тантаналардан сўнг яна шу оролга саёҳат қилиш истагини билдирди.

Мулоҳаза мунозарага чорлайди

ТАРМОҚЛИ ТИЖОРАТ «СИРИ»...

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Хуллас, ана шундай бизнес турининг ғоявий тарғиботчилари тармоқли тижорат билан машғул бўлишни истовчиларга қуйидаги уч босқич кетма-кетлигида моддий фаровонликни ваъда қилишади:

Биринчи босқич: *кўп ишлайсиз, кам топасиз.*

Иккинчи босқич: *кам ишлайсиз, кўп топасиз.*

Учинчи босқич: *ишламайсиз, жуда кўп миқдорда пул топасиз.*

Тўғри, ҳар соҳанинг олғир одамлари бўлади. Кимдир новвойликни, кимдир темирчиликни, яна кимдир тадбиркорликни қойиллатади. Худди шундай бирор хориж компанияси маҳсулотларига аввал ўзи мижоз бўлиб, сўнгра мижоз жалб қилишнинг ҳадисини олганлар орасида ҳам омади юришганлар бўлса, бордир. Бироқ ушбу мулоҳазаларимиз "тармоқли тижорат"нинг афзалликлари ёхуд аксинча камчиликлари ҳақида эмас, балки кишиларни оҳанрабодай ўзига жалб қилишнинг турфа усуллари хусусида.

МИЖОЗГА МИЖОЗ КЕРАК!

ТАСАВВУР ҚИЛИНГ: дўконга кирдингиз, бир турдаги маҳсулотнинг турфа номдаги, турфа шаклдаги, турфа нархдагиси бор. Хўш, қайси бирини харид қиласиз? Албатта, сифатли ва арзонини-да! Арзонлигини-ку аниқлаш мушкул бўлмас, бироқ истеъмол қилмай туриб сифатини қандай аниқлаш мумкин? "Тармоқли тижорат"нинг тарғиботчилари ва амалиётчилари, шунингдек, худди шу усулда маҳсулотини харидорларга етказаётган компаниялар раҳбару мутасаддилари бу борада анча уддабурон эканликлари аниқ. Негаки, юқорида "таниш-билишлар бизнеси" деган иборага бежиз урғу бермадик. Ахир бирор компания маҳсулотларига мижоз бўлиб, сўнгра ўша маҳсулотларга мижоз жалб қилишни истаган оқил киши аввало кимлар орасидан мижозлар қидиради? Албатта, яқинлари, танишлари орасидан. Негаки, яқинлар бир-бирларига ишонадилар, бир-бирларини алдамайдилар. Натижада танишлар танишларини, улар ҳам ўз навбатида ўз танишларини компанияга мижоз бўлишга чақирадилар. Қарабсизки, бир-бирига мустаҳкам ҳалқаланган танишлар бозори вужудга келади ва бу бозор кун сайин, соат сайин, дақиқа сайин кенгайиб бораверади.

Тўғри, бугун замондошларимиз анойи эмас: чертиб, салмоқлаб кўрмай ёки чақмоқлаттирмай хом тарвузни қўлтиқлаб кетавермайди. Қолаверса, ҳар қандай жамиятда бирор янгилик омма томонидан жуда тезлик билан қабул қилинмаган. "Тармоқли тижорат" асосида маҳсулот сотадиган компанияларнинг мақсади — ниҳоятда шиддат билан истеъмолчилар бозорини ташкил қилиш ҳамда уларни доимий мижозларига айлантириш.

Ўйлаб кўрайлик, истеъмолчилар бирор маҳсулотнинг харидорига, тўғрироғи доимий мижозига айлангунига қадар орадан қанча қовун пишиғи ўтиши керак? Боз устига, фирибгарлар, қаллоблар кўпайган замонда одамлар "фалондай бизнес чиқибди, бориб аъзо бўлиб келай", дея ўз оёғи билан компания остонасига келиши ҳам даргумон. Шундай экан, бу соҳанинг билимдонлари нима қилишади? Даставвал мижознинг онгига, руҳиятига таъсир кўрсатиш чораларини кўришади. Аслида компания мижозига айланиш ва шу билан бирга ундан даромад олишни истаб келганларга, "мана, бундай ишласангиз, шунча даромад қиласиз, ундай эмас, бундай ишласангиз, пулингиз кўпаяди" дея таклиф киритилса, етарли бўлади. Бироқ "Вақтинг кетди — нақдинг кетди" деган халқ мақолига амал қилган, қолаверса, хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон бўлсин одамларни бирор янгиликка ишонтириш осон эмаслигини инобатга олган "тармоқли тижорат" асосида ишлайдиган компаниялар ишбилармонлари, назаримда, ноҳалолроқ ишга қўл уришади. Бу бирор харидорни компанияда "тармоқли тижорат" асосида ишлашга жалб қилиш жараёнида кўзга ташланади. Бундай вазиятда бўлажак мижозга бериладиган дастлабки саволлар мазмуни қуйидагича бўлади: "Айни пайтда қаерда фаолият кўрсатасиз ёки қандай иш билан машғулсиз? Ойлик ёки кунлик даромадингиздан қониқасизми? Орзуларингиз рўёбга чиқиши учун ҳозирги даромадингиз ёхуд шу тарзда йиллар давомида ишлаб топадиган даромадингиз етади деб ўйлайсизми?.."

Орзуга айб йўқ, албатта. Хўш, қайси инсон чегаралаб, яъни ўз топиш-тутишининг салмоғига қараб орзу қилади? "Энг сўнгги русумдаги машинам, данғиллама ҳовли-жойим бўлса эди", дея ҳавас қилувчиларнинг "Бу орзуим 20 йилдан сўнг ушалса ҳам, майли" деганини кўрганмисиз, эшитганмисиз? Шундай экан, қанча кўп даромад қилманг, топганингиз жамики орзуларингиз рўёби учун камлик қилиши табиий. Қандай қилиб бўлмасин мижозларини кўпайтиришни мақсад қилган ишбилармонларга эса айнан шу жавоб керак. Савол-жавоб яна шу мазмунда давом этади: "Мана, сиз бирор корхона ёки идора ходими экансиз. Айтайлик, сиз ҳеч бир сабабсиз ўн кун ишга бормадингиз. Хўш, оқибати қандай бўлади? Беш ой ишга чиқмасангиз-чи? Сизга ана шундай ҳолатда ҳам маош тўлашадими? Албатта, йўқ. Хусусий тармоқда фаолият юритувчилар, масалан, такси ҳайдовчиси, сотувчи, ресторан эгаси ҳам шундай. Ишга чиқмаса, уни биров койимаслиги мумкин. Бироқ ишга чиқмаган кунлари даромаддан қуруқ қолаверадилар-ку".

Ҳа, бу саволлар "тармоқли тижорат" асосида ишлашнинг афзалликларига мижозни ишонтириши билан бирга, кўп ҳолларда уларда шу пайтга қадар ишлаган ишига нисбатан норозилик кайфиятини, нолиш ҳиссини уйғотади.

Буни худди шу бизнесни тарғиб қилувчи адабиётларда "мотивация" номи билан аташади. Дарвоқе, адабиётлар хусусида икки оғиз сўз.

ПУЛ УСТУНМИ ЁКИ ОҚИБАТ?

МАЪЛУМКИ, биз сўз юритаётган тадбиркорлик усули, яъни "тармоқли тижорат" хорижда, хорижлик одамлар яшаш тарзи, менталитети, дунёқарашидан келиб чиқиб яратилган. Шундай экан, бу бизнес турини тарғибу ташвиқ қилувчи адабиётлар ҳам ана шу шароитга, хориж муҳитига мос равишда ёзилган. Энг ачинарлиси, бундай адабиётлар ўзбек тилига ўгирилиб, на босмахонаси, на адади, на таржимони кўрсатилмай китоб шаклида чоп этилиб, тарқатилмоқда. Яқинда Россияда чоп этилган "Одноглазный корол" номли китобнинг ўзбек тилига таржима қилинган нусхасини ўқиб қолдим. Ольга Лысенко томонидан ёзилган мазкур китобда қуйидаги мазмундаги жумлалар бор: "Ана, бир умр меҳнаткаш от сингари давлат учун, эл-юрт учун ишлаган танишларингиз, яқинларингизга боқинг. Улар охир-оқибат нимага эришдилар?" Муаллиф инсон аввало ўзи учун ишлаши, ўзи учун яшаши лозимлигини уқтиради. "Акс ҳолда бир умр ишлаб айтарли ҳеч нарсага эришолмаган танишларингиз ҳолига тушиб қоласиз" дея таъкидлайди у. Ана сизга яхши яшаш тарғиботи!

Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик. "Тармоқли тижорат" асосида маҳсулотини истеъмолчиларга етказувчи хориж компаниялари мижоз танлашда ҳеч қандай чеклов, чегара қўймайдилар. Яъни бу бизнес билан ҳар қайси киши — ёшми, қарими, ўзбекми ёки бошқа миллатга мансубми, хуллас, барча шуғулланиши мумкин. Улар компанияга аъзо бўлиш учун жалб қилинаётганларида ёхуд ўқитилаётганларида машғулотларда худди шундай адабиётлар билан танишадилар, худди шундай адабиётлар орқали "тармоқли тижорат"нинг сир-асрорларидан хабардор бўладилар. Боз устига, "тармоқли тижорат" тарғиботида "пул — яхши яшашнинг биринчи омили" даражасига кўтарилади. Одам кўп пул топиши учун аввало пулга, яъни бойликка меҳр қўйиши керак, дея ўргатилади. Қолаверса, инсонларнинг кам ишлаб ёхуд умуман ишламасдан моддий фаровонликка эришишлари ҳаёт кечиришнинг энг оқилона йўли сифатида оммалаштирилади. Хўш, айтинг-чи, эндигина катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган йигит ёки қиз ана шундай ғояларни илгари сурувчи бизнесга таяниб ҳаёт кечиришга ўрганса, одатланса, улар эртага пул учун бир-бирларини алдаш, фириб бериш даражасида тубанлашиб кетмаслигига ким кафолат беради? Ёхуд улғаяётган ўсмир бундай тарғибот таъсирида эртага шифокор ёки ўқитувчи бўлиш орзуси замирида аввало қандай мақсадни устивор кўяди: инсониятга, жамиятга наф келтиришними ёки катта даромад топишними? Негаки, "тармоқли тижорат" билан шуғулланувчи ишбилармонлар бўлажак мижозини саволга тутар эканлар: касбингиз орқасидан қандай обрў-эътибор топдингиз, кимга кўмак бериб, кимдан олқиш олдингиз ёхуд давлатга, жамиятга, эл-юртга қандай ҳиссангиз қўшилди, нафингиз тегди, дейишмайди. Аксинча, "шунча фидойи меҳнатингиз эвазига қанча маош оласиз, касбингиз орқасидан қандай қимматбаҳо буюмлар харид қилдингиз" дея сўроқлашади.

Бироқ вақт — энг олий ҳакам. У бир кун келиб ҳар бир нарсанинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратади. Шу жумладан, вақтнинг аёвсиз синови биз сўз юритган ёт тарғиботларни ҳам охир-оқибат ўз тегирмонидан ўтказиши тайин. Зеро, бугун пайдо бўлган, яъни пулни ҳар нарсадан устун қўйишни тарғиб қилувчи 100 қатор ёт жумла меҳр-оқибат, сабр-тоқат, хуллас, инсоний фазилатлар моддий бойликдан устун туриши ҳақида аждодларимиз томонидан битилган миллионлаб байтлар, дурдона фикрлар қаршисида сувга тушган тошдек ном-нишонсиз йўқолиши табиий.

Фаррух БЎТАЕВ

Замондошларимиздан бири

Сирдарё вилояти

Шундай яшар одатда одам

вилоятда Каттабек Сотволдиевнинг ғайрату шижоати барчани ҳайратга солади

Каттабек Сотволдиев асли андижонлик. Тақдир тақозоси билан сўлим водийдан қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган Мирзачўлга келиб, шу ердан макон топган.

Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, деганларидек, Каттабек ака бир пайтлар (кўпчилик уни Рустамбек ҳам деб аташади) бел оғриғига гирифтор бўлган. Касалхонага бориб, шифокорлар кўригидан ўтган. Бироқ белгиланган муолажаларни олаётган пайтида шифокор томонидан йўл қўйилган қўпол хато оқибатида у бир умрга ногирон бўлиб қолган.

Қўлтиқтаёққа суяниб қолган биринчи гуруҳ ногирони Каттабек ака жисмоний меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганди ўшанда. Бироқ тиним билмай ишлаб ўрганган одам уйда ўтиришни истамади. Шунда унинг ташкилотчилик қобилияти кўл келиб, қурилиш ташкилотига таъминотчи бўлиб ишга жойлашди.

Юртимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда эса вилоятда биринчилардан бўлиб тадбиркорликка қўл урди. У кооператив ташкил қилди. Натижада ҳудуддаги кўплаб ногиронлар иш ўрнига эга бўлди. Шу билан бирга, кооператив қошида очилган ошхонада ишчиларни кунига икки маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминлаш йўлга қўйилди. Ўзи аъзо бўлган "Наврўз" хайрия жамғармасига қарашли "Каттабек" номли хайрия чойхонасини ишга тушириб, у ерда ҳам ҳар куни 10-15 нафар ногирон ва кам таъминланган оилалар аъзоларига бепул овқатланиш учун имкон яратиб берди. Энг муҳими, чойхонада 12 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Каттабек ака ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлса-да, ўзи сингари жисмонан имконияти чекланган фуқароларга кўмак беришга ҳаракат қилар, уларнинг дарду ғами билан яшар эди. Шу орада у республикамизда Ногиронлар жамияти тузилганидан хабар топиб, дарҳол пойтахтга йўл олди. Каттабек ака ғайрат-шижоати, ташаббускорлиги билан вилоятда ногиронлар жамиятини очиш учун рухсат олди ва керакли ҳужжатларни расмийлаштирди.

— Гулистон шаҳрида Ногиронлар жамиятининг вилоят бўлими очилган куни жуда қувонган эдим, — дейди К.Сотволдиев. — Сабаби, бу вилоятимизда яшовчи ногиронларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун янги имконият эди. Аммо ўшанда бўлимимиз ҳисобида маблағ бўлмаганлиги боис мадад сўраб келганларга чойхонамдаги савдо пуллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам кўрсатгандик.

К.Сотволдиев салкам беш йил давомида Ногиронлар жамиятининг вилоят бўлимига раҳбарлик қилди. Ундан сўнг эса фарзандлари даврасида тинч-осуда яшашга аҳд қилди. Бироқ доимо ҳаракатда, изланишда бўлган одам ишсиз ўтиролмас экан. Орадан бироз вақт ўтгач, Каттабек ака вилоятда "Ногирон болалар ва уларнинг ота-оналари" уюшмасини тузди. Бу вақтга келиб К.Сотволдиев чойхонасини сотиб юборган, уюшма ҳисобида эса ногирон болаларга ёрдам кўрсатиш учун маблағ йўқ эди.

Ўйлай-ўйлай Каттабек ака 2001 йилнинг қишида шаҳарга туташ бўлган Мирзаобод тумани ҳокимлигига уюшма учун ер ажратишларини сўраб, ариза билан мурожаат қилди. Ҳокимлик унинг илтимосига жавобан 31 гектар ер майдони ажратди.

Ўта шўр ва нотекис бўлган бу ер майдонига дастлабки йили маккажўхори экилди. Аммо ҳамма кўчатлар қаддини тикмасдоноқ қовжираб кетди. Кейинги йилда Каттабек ака ернинг шўрини ювиш мақсадида шоли экиб, гектарига 25 центнердан ҳосил олди. Ҳосилнинг бир қисми ногирон болаларнинг оилаларига тарқатилди, қолган қисми эса уюшманинг молиявий аҳволини яхшилашга сарфланди. Ҳосил унумдорлиги йилдан-йилга ортаверди. Жорий йилда уюшма ғалла ва пилла етиштириб давлатга сотиш бўйича белгиланган шартнома режасини ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлди.

Каттабек ака хайрли ишлар қилишдан чарчамайди. У ногирон болаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, уларнинг билим олиб, касб-ҳунарли бўлишлари учун шароит яратиб бермоқда. Хусусан, уюшма ташкил этилгандан буён вилоятдаги 8 нафар ногирон бола уюшма кўмаги билан компьютер ва бухгалтерлик курсларини битирди. Д.Худойбердиева пойтахтдаги 4-интернатга жойлаштирилди. Жорий йилда 2 нафар ногирон ота-онага сиҳатгоҳга йўлланма берилди.

Яқинда сергайрат Каттабек аканинг Боёвут туманида шолини оқлайдиган тегирмонни ижарага олганини эшитган эдик, кўп вақт ўтмай унинг шаҳарда дурадгорлик цехини очиш учун ҳокимликдан рухсат олгани ҳақидаги хушхабар тарқалди...

Тошпўлат ХАЙИТБОЕВ

Ер эгаси ютуғи

Сурхондарё вилояти

Улуғберди ота ва Амирхол ая олти ўғилни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишди. Улуғберди ота фарзанд тарбиясида энг муҳими ота ибрати эканини кўп таъкидларди ва унга амал қиларди. Бугун отадан ўрнак олиб улғайган меҳнаткаш ва алпкелбат ўғилларга ҳавас қилмаган одам йўқ.

Ишлов кўрган майдонлар

Фермерни мўл ҳосил билан сийламоқда

Аввал бригадир, кейин узоқ йиллар жамоа хўжалиги раиси вазифасида ишлаган Улуғберди ота бутун умрини, куч-ғайратини хўжаликни ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилашга сарфлади. У деҳқончилик соҳасининг билимдони эди. Фарзандлари ҳам ота изидан бориб, ерга меҳр қўйишди. Айниқса, улар учун истиқлол йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилган ислоҳотлар, хусусан, фермерлик фаолиятининг йўлга қўйилиши айни муддао бўлди. Айни пайтда ака-укалар 350 гектар ерда деҳқончилик қилиб, эл-юрт равнақига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Хусусан, Улуғберди отанинг фарзанди Нурбой Улуғбердиев раҳбарлик қилаётган Улуғбек номли фермер хўжалиги Шеробод туманидаги энг илғор хўжаликлардан бири саналади.

— Ерга меҳр бериб ишланса, эътибор кўрсатилса, у ҳам деҳқонни қуруқ қўймайди, — дейди фермер. — Деҳқон ҳосилни йиғиб олиши билан келаси йилга ҳозирлик кўра бошлаши керак. Ҳар йили кузда ерни яхшилаб шудгорлаб, яхоб суви берамиз. Чунки бегона ўт ва зараркунанда ҳашаротларни йўқотишда яхоб сувининг аҳамияти катта. Бу йил 94 гектар ернинг 62 гектарига пахта, 32 гектарига эса ғалла экдик. Кўтарган хирмонимиз ҳам меҳнатимизга яраша бўлди.

Фермер чигитнинг ер ва иқлим шароитига мос келадиган "Бухоро олтин" навидан оқ-олтин йиғиштириб олиб, давлатга пахта сотиш бўйича шартномавий режани 130 фоизга уддалади.

Шунингдек, жорий йилда ғаллачиликда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Ҳар гектар майдондан 55 центнердан ҳосил олиниб, шартномавий режа ортиғи билан бажарилди. Фермер хўжалиги ҳисобида қолган 45 тонна ҳосилдан механизатор ва сувчиларнинг ҳар бирига икки тоннадан буғдой берилди. Жумладан, бешта кам таъминланган оиланинг омборига буғдой тўкилди. Янгиариқ маҳалласидаги 20 та эҳтиёжманд оилага ижтимоий ёрдам тариқасида нақд пул ва буғдой тарқатилди.

— Олган даромадимизнинг салмоқли қисмини хўжаликнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирямиз, — дейди Нурбой Улуғбердиев. — Айни пайтда ҳисобимизда замонавий ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда иккита юк машинаси бор. Молиявий аҳволимиздан келиб чиқиб янги техникалар сотиб оляпмиз. Бундан мақсад меҳнат унумдорлигини ошириш, қолаверса, шартнома асосида қўшни хўжаликларга хизмат кўрсатиб, даромадимизни кўпайтиришдир.

Нурбой ака 50 сотихли томорқасидан ҳам йилига икки марта ҳосил олади, қўй, йилқи, қорамол боқади. Қисқаси, рўзғор учун керакли маҳсулотлар ўзларидан чиқади.

Айни пайтда фермер келгуси йил ҳосили учун тайёргарликни бошлаб юборган. 32 гектар майдонга ғалла уруғи сепилди. Бир текис униб чиққан ғалла майдонлари ям-яшил тусга кирди. Фермер ғаллазорларига қараб қувонади: "Ахир бу бебаҳо неъмат — нонимиз сероб, дастурхонимиз тўкин бўлишининг нишонаси эмасми?"

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

ЖАҲЛГА ҚАРШИ ЧОРА

Филиппиннинг Херона шаҳридаги ресторанларидан бирида таклиф этилмоқда

Бу ерда қўшимча тўлов эвазига хўрандаларга ликопча, гулдон ёки чашкаларни деворга отиб синдириш ва шу йўл билан асабларини тинчлантиришни таклиф этувчи янги хизмат тури йўлга қўйилди.

Ғазаб отига минган ёхуд кучли асабийлашиш ҳолатига тушган мижоз атиги 15 песо (25 евроцент) эвазига «собиқ турмуш ўртоғим», «раҳбарим» ёки «қайнонам» деган ёзувлар битилган деворга чинни идишларни улоқтириши мумкин.

1300 песо (21 евро)га эса хўранда эски телевизорни деворга отиб синдириш имкониятига эга бўлади. Ресторан эгаларининг сўзларига кўра, ҳозирга қадар янги хизмат туридан ота-онаси билан муносабатда зиддиятларга дуч келаётган ўқувчилар, қийин кечган имтиҳонлардан сўнг дам олишни истаган талабалар фойланишган. Бундан ташқари, ушбу ресторан ходимларининг ўзлари ҳам ўта инжиқ хўрандаларга хизмат кўрсатиб толиққанларидан сўнг шу йўл билан чарчоқларини чиқаришмоқда.

III ШАРҚ яккакурашлари ФЕСТИВАЛИ

Яқинда пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида III Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда ушу, реал айкидо, карате, таэквондо ва кикбоксинг бўйича индонезиялик ва ўзбекистонлик спортчилар ўз кўргазмали чиқишлари билан, айниқса, фаол иштирок этди.

Фестивал давомида кикбоксинг ва қўл жанги бўйича иккита профессионал жанг ҳам уюштирилди. Кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпионлиги камари Муҳаммадали Тоштурғуновга насиб этди.

Таэквондо бўйича Осиё ўйинлари совриндори Евгения Каримова "Йилнинг энг яхши аёл спортчиси", яқинда пойтахтимизда универсал жанг бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида юқори натижага эришган Алишер Абдуллаев эса "Йилнинг энг яхши эркак спортчиси" номинацияси ғолиби бўлишди.

СУРАТЛАРДА: *тадбирдан лавҳалар.*

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги

Жиззах вилояти

ДАРСХОНАЛАР МАВСУМГА ҲОЗИР

жиззахлик ўқувчилар қиш мавсумида иссиқ, шинам ва ёруғ хоналарда таҳсил оладилар

Оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги ёш авлод тарбиясидаги энг муҳим ва зарурий шартлардан биридир. Ота-оналар билан ишлаш, мулоқот ўрнатишда бизга вилоятдаги 184 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини ходимлари яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Қолаверса, мактаб ва оилалар тинчлиги, ютуқ ва камчиликлари маҳалланики ҳам демакдир.

Бугунги кунда вилоятда 788 та таълим-тарбия муассасаси мавжуд. Шундан 545 таси ўрта умумтаълим мактаби, 189 таси мактабгача таълим муассасаси, биттаси Меҳрибонлик уйи ва 4 таси махсус мактаб-интернат бўлиб, уларда етук педагог ва мутахассислар меҳнат қилмоқда. Янги ўқув йили арафасида раҳбар ходимлар тўлиқ аттестациядан ўтказилиб, ўттиз фоизи ёш ва иқтидорли ходимлар билан алмаштирилди. Айниқса, раҳбар ходимларни тайинлашда уларнинг билим кўникмаларини инобатга олиш билан бирга маҳалла оқсоқоллари ҳамда фаоллари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларга таяниб иш кўраётганимиз яхши самара беряпти.

Жорий йилда бошқармамизга қарашли 107 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди, тўртта янги умумтаълим мактаби қуриб, фойдаланишга топширилди. Маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан ушбу муассасаларнинг ҳудудлари қисқа муддатда тартибга келтирилиб, ободонлаштирилди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 31641 тўплам кийим-кечак тарқатилди.

Президентимизнинг 2007 йил 2 майдаги "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2007-2008 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокимлигининг ушбу масалага доир қарорлари асосида таъмирланиши зарур бўлган объектлар рўйхати тузилиб, иш режаси тасдиқланган эди. Айни пайтда иситиш қозонлари ва тармоқларини таъмирлаш ишлари деярли ниҳоясига етказилди, синган ойналар алмаштирилди. Кўмир билан иситиладиган муассасаларга 65000 тонна ёқилғи етказиб берилди.

Фаолиятдаги ютуқлар билан бирга камчиликлардан ҳам кўз юммаслик керак. Хусусан, Зомин туманидаги 1-сонли Болалар ижодиёт уйи фаолияти бугунги кун талаблари даражасида эмас. Бундан ташқари, Зафаробод туманидаги 18-мактаб, Фориш туманидаги 6-мактаб, Пахтакор тумани ва Жиззах шаҳридаги айрим мактабларда иситиш тизимларини таъмирлашда, биноларни қишки мавсумга тайёрлашда камчиликларга йўл қўйилган ёки кўмир сақланадиган омборлар носоз ҳолатда. Ҳозирда ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўрилмоқда.

Ислом АНОРБОЕВ,
Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

"Тафаккур" гулшанидан

Шукур СОДИҚ

Пифагорнинг "ОЛТИН ШЕЪРЛАРИ"

уларнинг моҳияти Шарқ мутасаввифлари қарашларига ҳамоҳангдир



Эрамиздан олдинги олтинчи асрда яшаб ижод қилган қадимги юнон файласуфи ва математиги Пифагор номини мактабда ўқиган ҳар бир одам яхши билади. Чунки унинг номи билан аталувчи тўғри бурчакли учбурчак ҳақидаги машҳур теорема мактаб дарслигидан муқим жой олган. Қолаверса, Пифагор геометрияда систематик исбот тушунчасини жорий қилиб, уни абстракт фан даражасига кўтарган, тўғри чизиқли шакллар геометриясини тузган, ўхшашлик ҳақидаги таълимотни яратган. Тўғри бурчакли учбурчаклар томонларини ташкил этувчи натурал сонларни илмий истеъмолга олиб кирган буюк олимдир. Файласуф сифатида эса у "сонлар барча мавжудликнинг ўзагидир" деган фалсафий таълимотга асос солган. Пифагор илк бора "космик" тушунчасини кашф этган бўлиб, у мунтазам тартиб, оҳанг ва уйғунлик деган маънони англатади. Бошқача айтганда, борлиқ хаос, яъни тартибсизликдан иборат эмас. Борлиқ — космик бўлгани учун фан мавжуддир. Пифагорнинг фикрича, бу ғоя барча илмий таҳлилларга асосдир. Чунки хаос бўлганида ҳар сонияда табиат қонуниятлари ўзгариб турар, мавжудлик фақат мантиқсизлик қонунига бўйсунар эди. Бунга мисол қилиб сувнинг қайнаш ҳолатини келтириш мумкин. Бугун сув юз, эртага эса беш юз даража иссиқликда қайнаса, қандай қилиб фан мавжуд бўлсин?!

Пифагор "философия", "философ" сўзларини биринчи бўлиб истифода этган буюк алломадир. "Философия" — доноликка муҳаббат, "философ" — доноликка дўст деган маъноларни англатади. Пифагоргача "философия" ўрнига "София", "философ" ўрнига "софос" атамалари қўлланган. "София" — донолик, "софос" — доно одам демакдир.

Пифагор фикрича, барча илмий ҳамда диний таълимотлар — ҳақиқатни излаш ва англаш йўли; мавжудликда мавжуд бўлиш, табиат устидан ҳукмронлик қилиш эмас, аксинча, унга қўшилиб бир бутунлик ҳосил этиш тантанасидир. Астрономия, математика каби фанларни ўрганиш ҳам ўзликни англаш йўли ҳисобланади.

Пифагор таълимотича, комил инсон бир вақтнинг ўзида олим, шоир ва мистик бўлиши керак. "Ўлим ҳамма нарсангни тортиб олади, бўш қўл билан келдингми, бўш қўл билан кетасан, бироқ ботинга — моҳиятга қараб юрсанг, ўзингни жуда юқорида — шоҳлар шоҳи даражасида кўрасан, ақл — гадо, руҳ эса шаҳаншоҳ", деган фикрни илгари сурган файласуф қарашлари тасаввуф таълимотига ғоят ҳамоҳангдир. Хўш, бундай ўхшашликнинг сири нимада?

Гап шундаки, Пифагор яшаган даврдан йигирма беш аср олдин юксак тараққиётга эришган ва уммон қаърига ғарқ бўлган афсонавий Атлантида билан боғлиқ сир-асрорлар ўз вақтида Александриянинг улкан кутубхонасидаги китобларда тўлиқ қайд этилган. Ўша кезда қўҳна оламдан биргина мерос — Александрия кутубхонаси қолган бўлиб, Пифагор ана шу ерда ақл — фанга, юрак — санъатга, кўнгил эса динга хизмат қилишининг фалсафий моҳиятини кашф этган. Узоқ вақт Александрия кутубхонасида мутолаа билан шуғулланиб, қадимги дунёнинг муқаддас китобларию кўплаб сир-асроридан хабардор бўлган Пифагор Атлантидани излаб топишга аҳд этади. Шу мақсадда у дастлаб Мисрга, сўнгра Ҳиндистон, Тибет ва Хитойга саёҳат қилади. Бу ерларда у Атлантидани тополмайди, бироқ унинг ер юзидан йўқолиш сабабини аниқлайди. Пифагор бу сирли қитъа қандайдир табиий ҳодиса таъсирида эмас, инсон ақл-заковати ва табиат қонуниятларининг ўзаро зиддияти оқибатида ҳалокатга учраган, дея хулоса чиқарган.

Шарқ саёҳатидан қайтгач, Пифагор ўз таълимотини ёйишга киришади. У фалсафа мактабига асос солиб, издош ва шогирдларига таълим бера бошлайди. Аммо тез орада унинг таълимотига қарши чиқувчилар пайдо бўлади. Хурофотчилар Пифагор ва унинг издошларини тинимсиз таъқиб қилиб, бебаҳо тафаккур хазинаси жамланган Александрия кутубхонасини ёқиб юборади. Манбаларда ёзилишича, кутубхона олти ой мобайнида тинмай ёнган. Пифагор вафотидан кейин унинг айрим шогирдлари ўз жонига қасд қилади, бировлари эса қатл этилади, бошқалари гулханда қуйдирилади. Хурофотчилар чангалидан фақат Лизий исмли шогирди қочиб қутилади ва Пифагор қўлёзмаларини сақлаб қолади. У устозининг таълимотини, шу жумладан шеърларини терига кўчиради. Кейинчалик улар Пифагорнинг "Олтин шеърлари" деб аталади. Мана, ўша шеърлардан бири:

Тушларнинг хобдаги кўзи очилар
ва сўрар: бердингми моҳиятга зеб?
Ёмонликдан қочу яхшиликка бор,
яша тангрилардай, тангриларни деб.

Бу сатрлар бир қарашда оддий насиҳатдай туюлади. Аслида эса уларда теран руҳий таҳлил мужассам. Пифагор инсон ҳар кунги кечинмаларини мушоҳада этиши керак деб ҳисоблаган. "Ёмонликдан қочу яхшиликка бор" деганда онгсизлик ёмонликка, онглилик эса яхшиликка хизмат қилиши назарда тутилган. Хўш, "яша тангрилардай" деган ибора нимани англатади? Йигирма беш аср олдин файласуф бу хитобга қандай маъно юклаган?

Пифагор яшаган даврда кўпхудолик ҳукм сурган. Қайд этилган даъват бундай шароитда ҳар кимнинг сиғинадиган тангриси борлиги учун қайси ибодатхонага кирсанг, у ерда сажда қилаётганлардай сажда қилгин, уларнинг тангрисига сиғин, валекин ўзинг тангридай тоза, беқиёс бўлишга сазоворсан, деган ғояни ифодалаган.

Муқаддас Тетрадани қалбга солганлардан
бирининг номига қасам — Илоҳ санъати —
шу қадар тозаю шу қадар чексиз,
тангриларнинг рамзий тимсоли эрур.

"Муқаддас Тетрада" — тўртлик деган маънога эга. Оламнинг уч ўлчовдан иборат экани, тўртинчи ўлчов эса кўринмаслигини фан яқиндагина исботлади. Пифагорга эса бу сир аллақачон маълум бўлган. Пифагорнинг фикрича, уч ўлчовда тангри намоён бўлади-ю, тўртинчи ўлчовда ўзини кўрсатмайди. Бу ўзига хос тўрт йўл бўлиб, биринчиси жисмоний имкониятлар, яъни фақирлик йўлидир. Ақл йўлида эса руҳий муолажаларга ўтилади. Руҳоният, дин ва фалсафа учинчи йўл ҳисобланади. Тўртинчи йўл — кўз ва ақлдан ташқаридаги, учала йўлни ўзида бирлаштирган энг юқори босқичдир. Шарқда мутасаввифлар ана шу йўлни танлаган.

Кўкка маълум, сенга маълум бўлар —
табиат ҳар ерда бир хилдир, бирдир.

Бу билан борлиқ — космос уйғунликдан иборатлиги ва ҳақиқат битта экани баён этилган. Ҳақиқат, яъни Худо борлиқнинг маънодошидир.

Пифагор шеърлари санскрит тилида ёзилган бўлиб, бир неча маънони англатади.

Дин ва бурчни қўриқла абад,
ўлмас тангриларга сажда эт, сиғин!
Шонли қаҳрамонлар, руҳлар,
ярим худоларни хотирлаб,
руҳини обод эт тағин.
Қобил фарзанд бўлгил,
адолатли ака, меҳрибон маҳраму
энг яхши ота...

Бу ўринда гап ишонч ҳақида бормоқда. Пифагорнинг қайд этишича, ишонч фикрдагина мавжуд бўлиб, у-то қалбга сингиб кетмас экан, инсон тақводор эмас. Тупроқ уруғни бағрига олиб, уни қўриқламаса ва парваришламаса, ниҳол ўсмайди, ҳосил бермайди. Инсон ҳам ишончни қалбида асраб-авайламас экан, у чинакам муҳаббатга айланмайди. "Дин ва бурчни қўриқла абад" деган даъватда ана шу маъно назарда тутилган.

Чинакам файласуф, руҳоний, мутасаввиф, олим ва шоирнинг йўли айнан тўртинчи йўлдир. Бу йўлни танлаганлар учун ҳақиқат ихтиро қилинмайди, аксинча, кашф этилади! Бу буюк ҳақиқатни мутафаккир бобокалонимиз Алишер Навоий ижоди ҳам яққол тасдиқлайди. Ҳазрат Навоий ижодида инсон хаёлотининг чексиз парвозини тасвирлаши баробарида одамларни асл ҳақиқатга рўбарў қилади. Мутафаккир шоир асарларида таърифланган ўзиюрар тахт — автомобиль, уммон тагига тушувчи асбоб — сув ости кемаси, Фарҳоднинг мўъжизакор тешаси — экскаватор, тош одам — робот, узоқни кўрсатувчи ойна — телевизор беш юз йилдан кейин ихтиро этилди. Эндиликда улар инсоннинг оғирини енгил қилмоқда. Улуғ шоир, Пифагор сингари, инсониятнинг орзусини ифода этди, орзу эса амалга ошди. Бинобарин, бани башар ниманики орзу қилса, Яратган уни шунга муяссар этади. Чунки мукаддас Қуръони каримда Аллоҳ бандаларини чексиз муҳаббат билан севиши кўп бора таъкидланган.

Эшит сўзларимни,
юракка нақш эт —
шубҳалардан кўз ва қулоғингни ёп.
Бошқалардан ўрнак ол, ўйла,
кенгашиб, чамалаб
ўз эркингни топ.
Мақсадсиз, сабабсиз иш кўрмоқ
телбаларга хосдир, қолмагин ғамда.
Ўқи, ўрган тажрибалардан,
келажакни ўйлот
сен айни дамда.
Биламан деб билмаганингни
кўрсатмагин, айлагин тоқат.
Вақт ва сабр ҳар нега калит,
мўлжалда бер
ақлга дам, тапингга овқат —
соғлигингни йўқотиб қўйма...
Кўнга ҳам, озга ҳам
берма эътибор —
бу икки қирғоқни тенг боғлагувчи —
кўзингга кўринмас ҳаёт — оқим бор.
Бойлик ва қашшоқликнинг, бил,
меваси бир хилдир,
оқибат — бир сас.
Сендан талаб: яхшиликлар қил,
"олтин ўрталик"ни танлай билсанг бас!

«Тафаккур» журналининг 2007 йил 4-сонидан қисқартириб олинди.

Руҳият қиёфаси

КУЗ ХАЁЛЛАРИ

ЯНА ХАЗОНРЕЗГИ ФАСЛИ...

Йўллар устига учиб тушган дарахт япроқлари машиналар шамолидан тўзғиб кетади. Одамлар қаёққадир шошилиб, оёқлари остидаги хазонларни эътиборсиз босиб ўтаверишади. Ушбу сарғайган «хасталар» энди кимга ҳам керак?!

Эҳ, она табиат! Яна бир ёшга кексайдинг. Сенинг мана шу манзарангга узоқ тикилиб, хаёл сургим келади:

Ўзлигимни танитган қишлоғим олисларда қолиб кетди. Болалигимнинг «сариқ япроқлари» ўша қишлоқда тўкилди. Мени Тош шаҳарга кузатгунча, онамнинг кўзлари «Ўғлим ўзини эплаб кетармикан?» деяётгандек маъюс эди...

Соғинч ҳисларим авж олиб кетди. Бу йилги хазонрезги фасли шуниси билан ўзгача.

* * *

ХОНАМНИНГ деразаси очиқ турибди. Ундан фақат сарғайган дарахтлар ва қарғаларнинг парвоз қилаётгани кўринади: шув-шув, қааг-қааг.

Бутун вужудим қулоққа айланган. Уйимизнинг ёнидан ўтган катта йўл менга кўринмайди. Аммо машиналарнинг ғиз-ғиз ўтишини эшитяпман:

Ғиз-з-з, ғу-ув-в, ву-ж-ж, ва-анг, зи-из...

Машиналар менга кўринмай ўтиб кетяпти. Қайта кўриш у ёқда турсин, энди ҳатто уларнинг овозини ҳам такрор эшитиш маҳол. Улар ўтиб кетди.

Нохос англаб қолдим. Деразамнинг тагидан вақт ўтяпти:

Ғиз-з-з, ғу-ув-в, ву-ж-ж, ва-анг, зи-из...

(Ҳа, вақтнинг ҳукми — беаёв. У кимнингдир деразаси тагидан ўтса, кимнингдир сочларини оралаб ўтади. Кимдир эса буни ойнасидан кўриниб турган дарахт сарғайиб, барглари тўкила бошлаганда англайди).

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Мўъжизакорлар юрти

Узумини еганда боғини ҳам сўраб қўйинг

Самарқанд заминида етиштирилган турфа навли узумлар довруғи дунёга кетган

Узумчилик — Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигининг муҳим ва етакчи тармоқларидан бири саналади. Зарафшон водийсининг қулай табиий шароити бу ерда хилма-хил узум навларини етиштириш имконини беради. Тарихий манбалар токчилик бу ҳудудда эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаридаёқ ривожланганидан далолат беради. Узум етиштириш босқинчилик урушлари оқибатида гоҳ издан чиқиб, гоҳ тикланиб турган.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида пойтахт ва унинг атрофи жаннатмонанд боғ-роғлар, олмазору узумзорларга бурканган. Соҳибқирон биргина Самарқанд атрофида 12 та йирик боғ барпо эттирган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу боғларни қуйидагича таърифлайди:

"Самарқандниг Шарқида икки боғ солибдур, бириким йироқроқтур, боғи Бўлдидур, ёвуқроғи боғи Дилкушодир.

Андин Феруза дарвозасиғача хиёбон қилиб, икки тарафида терак ёғочлари эктирубтир...

...Узум ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жами меваси хўб бўлур. Вале икки мева Самарқанддин машҳурдир: Себе Самарқанд ва соҳибийи Самарқанд...

Темурбекнинг ва Улуғбек Мирзонинг иморати ва боғоати Самарқанд маҳаллотида кўптур..."

Кастилия элчиси Клавихо пойтахт атрофидаги боғ ва узумзорларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлайди. Кейинчалик у ўз кундалигида: "Бу боғу роғлар ва узумзорлар шунчалик кўпки, шаҳарга яқинлашганинг сари



баланд дарахтли ўрмонни ва унинг ўртасида шаҳарни кўрасан", деб ёзиб қолдирган.

Самарқанд заминида етиштирилган турли-туман мевалар ўзининг ширинлиги ва сифати билан тилларда достон бўлган. Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома" асарида анвойи узумлар ҳақидаги шундай сатрларни ўқиш мумкин:

"Сурхак отлиқ узуми дилкаш эди,
Лаъли яқдонаси усру хуш эди.
Соҳиби жилвада бўстон ичида,
Қон ютиб соҳиби қўрғон ичида.
Яна бир узуми бедона эди,
Суйи бисёр ҳокимона эди".

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, вилоятда боғдорчилик, хусусан узумчилик янги навлар билан бойиди, ривожланди. Шарқшунос Хаников 1840 йилларда бир десатина ердан 1800-2300 пудгача узум ҳосили олингани тўғрисида маълумот беради. Бу даврга келиб, Самарқанд узуми ва майизи Россиянинг марказий бозорларига олиб бориб, сотила бошланган. Вино саноати ҳам жадал суръатлар билан ривожлана бошлаган. 1868 йил рус савдогари Д.Филатов Самарқандда дастлабки вино заводини қурдирди. Орадан тўрт йил ўтгач, 1872 йилда Париж ва Антверпенда ўтказилган халқаро кўргазмада Филатов заводида тайёрланган вино маҳсулотлари юқори сифати учун катта олтин ва кумуш нишонларга сазовор бўлди. Бундан ташқари, вилоятда йилига 200-800 минг пудгача сифатли майиз ҳам тайёрланган. 1900 йилдан 1910 йилгача Ирбит ярмаркасига ҳар йили 25-30 минг пудгача майиз чиқарилган.

Самарқанд, Каттақўрғон узуми ва майизлари Россияда, айниқса, Москва ва Петербургда жуда харидоргир бўлган. Бу даврда султони, соҳиб, сурхак, кишмиш, ҳусайни, тойфи, мускат, восарға ҳамда шубурғони навли узумлар етиштирилган. 1908 йил Петербургда ташкил этилган қишлоқ хўжалиги кўргазмасида 10 хил узум навининг юқори баҳоланиши, 1911 йилда Тошкентда очилган боғдорчилик, узумчилик ва виночилик кузги кўргазмасида самарқандлик соҳибкорларнинг 10 та катта кумуш, 20 та кичик кумуш, 23 та бронза нишони, 15 та мақтов қоғозига сазовор бўлгани Самарқанд узумининг шуҳратини янада ошириб юборди.

Вилоятда 1924 йилдан бошлаб махсус токчилик хўжаликлари ташкил этилди, токзорлар кўпайтирилиб, иш агротехника қоидалари асосида олиб борилганлиги натижасида ҳосилдорлик йилдан йилга ортиб борди. Ялта шаҳрида ўтказилган узумчилик ва виночилик бўйича халқаро ташкилот томонидан "Золотой Грифон—2004" танловида Самарқанддаги "Ховренко" номли очиқ ҳиссадорлик жамиятида тайёрланган вино маҳсулотлари юксак баҳоланди. "Гулакандоз" номли оқ диссерт вино олтин нишон билан, "Самарқанд" коньяги яхши безатилгани учун махсус диплом билан, "КВ Самарқанд" коньяги эса сифатлилиги учун кумуш нишон билан тақдирланди.

Айтиш жоизки, 2006 йилнинг 11 январида Президентимиз томонидан "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорнинг қабул қилиниши юртимиз миришкорларига куч-ғайрат ва шижоат бағишлади. Жумладан, мазкур қарор асосида самарқандлик соҳибкорлар ҳам янги-янги майдонларда боғ-роғлар, узумзорлар яратиб, халқимиз дастурхонини ширинидан шакар мевалар билан таъминлаб келишмоқда.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда харажатларингиз мўлжалингиздан бироз ортиқроқ бўлиши мумкин. Пайшанба куни яқинларингиздан хушхабар эшитасиз.

СИГИР(22.04-20.05)

Кўчмас мулк билан боғлиқ масалалар осон ечим топиши кутилмоқда. Айниқса, улар уй-жой олди-сотдиси билан боғлиқ бўлса.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Айни кунларда соғлиғингизга эътиборлироқ бўлинг. Акс ҳолда бу ёмон асоратларга сабаб бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Мўмай даромад орттириш ҳақидаги таклифларга рози бўлишдан аввал, уни яхшилаб ўрганиб чиқинг. Шанба қизиқарли воқеаларга бой бўлиши кутилмоқда.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Шу кунларда юзага келадиган вазият янада сергак бўлишингизни талаб этади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам етти ўлчаб, бир кесишга одатланинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ҳамкасблар билан муносабатда самимий бўлишга ҳаракат қилинг. Жумада молиявий аҳволингизни ўнглаб олиш учун қулай имконият туғилади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Мазкур бурж вакилларига айни кунларда ишга жойлашиш юзасидан янги таклифлар тушиши мумкин. Бу борада бирор қарорга келишга шошилманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Шу кунлар кайфиятингиз бироз тушкун кўринса-да, бу тез орада ўтиб кетади. Якшанбада камҳаржроқ бўлишга ҳаракат қилинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Оилангизда юзага келадиган можаролар ишингизга таъсир кўрсатмаслиги лозим. Бу муаммоларингизни янада кўпайтириши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Рўзғор ташвишларига кўмилиб, яқинларингиз ҳолидан хабар олишни унутиб қўйманг. Сабрли бўлсангиз, ҳамма нарсани енга оласиз.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Муваффақиятсизлигингиз сабабини атрофдагилардан эмас, аввало ўзингиздан қидирганингиз маъқул. Жума бироз зиддиятли бўлиши кутилмоқда.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Айни кунларда амалга оширишни режалаштирган ишларингиз мўмай даромад келтириши мумкин. Аммо уни фойдали нарсаларга йўналтиринг.

Фарғона вилояти

Фарғона туманидаги Водил қишлоғида улуғ ёшни қаршилаган пиру бадавлат онахон ва отахонлар бисёр. Давлатимиз ғамхўрлиги ва яқинларининг ардоғида умргузаронлик қилаётган табаррук инсонлардан бири 107 ёшли Холчабу Тошалиевадир. Онахоннинг тўққиз нафар фарзанди, 42 нафар набираси, 71 нафар чеварасию 37 нафар эвараси бор.

СУРАТДА: *табаррук момо ўғли Асқарали ака, набираси Кимёхон опа ва чеваралари даврасида.*

Ш.ҚОРАБОЕВ олган сурат.

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тадбирлари

ҚОИДАГА РИОЯ ҚИЛСАК...

ёнғин хавфидан холи бўламиз

Ҳар йили 15 ноябрдан 15 декабрга қадар республикамиз миқёсида анъанавий тарзда "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади.

Ушбу тадбир доирасида республикамиз шаҳарлари, туманлари, аҳоли турар-жойлари, идора ва ташкилотларда ёнғин хавфсизлигини кучайтириш, ишчи ва хизматчилар, барча ўқув-таълим масканлари ўқувчи ва талабалари ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича тушунтириш ишларини кенг кўламда олиб бориш, масканларни бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминлаш ва ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини соз ҳолга келтириш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Давлат тасарруфидаги ҳамда маъмурий ва жамоат биноларини ёнғиндан муҳофаза қилувчи Ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тадбирларини талаб даражасида ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида тегишли иш режаси ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Минтақалараро ва Стратегик тадқиқотлар институтини ёнғиндан муҳофаза қилувчи 12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди 3-алоҳида пости ходимлари ҳам ойлик давомида институт ишчи-ходимлари ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш борасида тушунтириш ишларини ташкил этишдан ташқари аҳоли яшаш манзилларида, ишлаб чиқариш объектларида содир бўлган ёнғинлар оқибатларини таҳлил қилиш учун шаҳар ёнғин техник марказида бўлдилар. Ёнғинга қарши курашиш воситаларидан тўғри фойдаланиш, ёнғин содир бўлган ҳолатда саросимага тушмасдан аниқ ва самарали чора қўллаш тўғрисида умумий кўникма ва тушунчага эга бўлиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бу тартибларни кенг омма ўртасида тарғиб этиш эса бугунги кун талабидир. Бу борада масъул ходимлар ва хизматчиларнинг энг яқин ҳамкори жойлардаги фуқаролар йиғинлари мутасаддилари бўлмоқда. Қуйида келтириладиган тартиб-қоидалардан юртимизнинг ҳар бир фуқароси бохабар бўлиши шарт:

- биноларда ўзбошимчалик билан омонат тортилган электр тармоқлари ёки носоз электр тармоқларидан фойланмаслик;
- бинонинг ёрдамчи чиқиш эшикларини зарур бўлганда эвакуацияга ҳалақит берадиган ҳар хил кераксиз буюмлар билан тўсиб қўймаслик;
- ишчи-хизматчиларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини атрофлича тушунтириш ва уларни ёнғин содир бўлган ҳолатда қўлланиладиган зарурий чоралар хусусида огоҳлантириш;
- бинолар, иншоотларда қўлбола ва ностандарт электр иситиш анжомлари ва электр қурилмаларидан фойдаланишни қатъиян ман этиш;
- телефон алоқа тармоғининг кечаю кундуз соз бўлишини таъминлаш;
- ёнғин содир бўлганда дарҳол "01" хизматига хабар бериш.

Ғ.ЮНУСОВ,
12-ҲЁХО 3-алоҳида пост бошлиғи, майор;
Ф.ИСЛОМОВ,
инспектор, кичик сержант.

Замондошга танбеҳ

Бефаҳмлик ёш танламас эканми?..

ёхуд саломлашиш борасидаги «кашфиётчилик»лар хусусида...

ДУНЁДА қанча эл-элат бўлса, шунча хил саломлашиш одоби мавжуд. Ҳатто бурнини бурнига теккизиб ёки бир-бирининг қулоғини ушлаб саломлашадиган халқлар ҳам йўқ эмас.

Аслида энг оммавий тус олган саломлашиш тури бу қўл бериб саломлашишдир. Ўзбекона кифтни кифтга бериб саломлашиш одамларимизнинг ўзаро оқибати кучли эканидан яна бир далолат. Ёшларимизнинг катталарга рўбарў келганда қўлини кўксига қўйиб «Ассалому алайкум» дейишида ҳам шарқона файз бор. Афсуски, кўпчиликнинг бу пурмаъно каломни бузиб, «Саломалайким» ёки «Соалэким» дея чала-чулпа талаффуз қилишига ҳам кўникиб қолгандекмиз. Лекин айни кунда ёшларнинг ўзаро, яъни ўз тенгдошлари билан қандай саломлашишига ҳеч эътибор берганмисиз? Уларнинг саломлашгандаги ажабтовур хатти-ҳаракат ва қиликларидан бирор маънони англаш мушкул. Кўпинча ёшларимизнинг саломлашиш маъносида бошларини ириштирган, бир-бирининг елкасидан туртиб қўйганларини кўрамиз. Тавба, айримлари ҳатто оёқларини «чўқиштириб» олишадими-ей!.. Бу ҳаракатларнинг маъноси нима эканини ўзлари ҳам билишмайди, албатта. Шу ҳақда ўйлаб кўришмайди ҳам. Ҳар жиҳатдан ўзига хос бўлишга интилувчи ёшларимизнинг салом-алик борасида ҳам «кашфиётчилик»ка берилиши ўринлимикан? Ёзилмаган тартибларга кўра, янгича саломлашиш усуллари уларнинг маълум бир тоифа, гуруҳга мансублигини билдириб туради, ўзаро муносабатларида махсус «парол» вазифасини ўтайди. Энг қизиғи, ҳар бир тоифанинг маълум бир саломлашиш усули, алламбало қиликлари борки, бу хатти-ҳаракатларни бошқаларда учратмайсиз.

Маълум бўлишича, Европада одамлар бир-бирига ҳамдардлик маъносида бошларини «уриштиришар» экан. Демак, бизда шу тарзда саломлашаётганлар бир-бирига соғлик-омонлик тилаш ўрнига...

Балки ёшларнинг бу хилдаги қиликларини бебошликка йўйиб қўйса ҳам бўлаверар. Аммо катта ёшли кишилар, айниқса, эркакларнинг саломлашганда ...ўпишмоғи қанчалик ўринли ва ярашиқли деб ўйлайсиз? Жиддий қиёфадаги, кўриниши басавлат икки эркакнинг ўпишиб кўришганидан ҳам хунукроқ ҳолат йўқ бўлса керак. Балки улар бу тахлит саломлашиш орқали бир-бирларига нақадар оқибатли, илтифотли эканларини намоён этмоқчи бўлишар, лекин аслида улар атрофдагилар олдида бир-бирини кулгили аҳволга қўяётгани аниқ. Худди шунингдек, ёш қизларнинг жамоат жойларида, транспортда, катталар ва қарама-қарши жинс вакиллари ҳузурида лабларини чўччайтирганча ўпишиб саломлашиши ҳам хунук ва носамимий кўринади. Бундай қилиқ кўпроқ талаба қизларга хос, бу билан улар ўзларининг «замонавий» эканликларини кўз-кўз қилишади, назаримда. Ваҳоланки, тасвирланган ҳолатларнинг бари маданиятсизликдан ўзга нарса эмас! «Бўйинг калта бўлса ҳам, фаросатинг калта бўлмасин», деган экан қадим донишмандларидан бири. Кишини ўйлантирадиган жойи — орамизда фаҳм-фаросати калталарнинг борлиги эмас, уларнинг анчагина бисёр эканлиги. Ақл ёш танламайди, деган нақл бор. Юқоридагилардан кўринадики, бефаҳмлик ҳам ёш танламас экан!

Ботир САНГИРОВ

Ҳикматга яқинроқ фикрлар

** Меҳр кунда, ғазаб кунида керак.*
** Далилинг бўлмаса, ҳеч нарсани инкор этма.*
** Барча дардлар ичида бедавоси ҳасаддир.*
** Муҳаббатдан бошқасининг эшигини уч мартадан ортиқ тақиллатма.*
** Келинлик либоси бўлмаса, қандай куч қизларни бегона остонага етаклаб борган бўлар эди?*
** Бошига кулфат тушган одамнинг маслаҳат сўрагани — ёрдам сўрагани.*
** Отанг кўрсатган йўлга ҳам ўйлаб қадам қўй.*
** Битта гугурт қутиси ҳар хил кўриниши мумкин. Бу унга қайси томондан қарашингга боғлиқ.*
** Ёш бола ёш боладек, катта одам катта одамдек бўлсин. Аксинча бўлса, ундан ғалати нарса йўқ.*
** Ҳеч ким менчалик севмаган, деган хулосага келмагунингча чин муҳаббатга эришмаган бўласан.*
** Муҳаббатга енгил қарашдан ортиқ енгилтаклик бўлмаса керак.*

Мансурхон ТОИРОВ

«Хирапашшага ўхшаган киракашлар дастидан дод!»

А.ҲАКИМОВ *чизган расм.*

Утерянный гос. ордер № 04-01/7789 от 28.01.1993 г. о праве собственности на квартиру на имя Рахимовой Дилора Курбоновны считать недействительным.

Утерянный гос. ордер № 01-02/7033 от 10.02.1993 г. о праве собственности на квартиру на имя Газизовой Таслимя Шагитовны считать недействительным.

Утерянный атестат OR-B 022507 о среднем образовании выданный на имя Абдуллина Тимура Шамильевича школой-189 А.Икрамовского р-на г.Ташкента считать недействительным.

Утерянный план БТИ выданный на имя Захарова Вячеслав Андреевича на жилплошадь по адресу Чиланзарский р-н (Учтепа) 12-квартал 23-дом 8-квартира считать недействительным.

Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан 2004 йилда Шарипов Отабек Эргашович номига берилган рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисоблансин.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 21 ноябрь 47 (597)
10792 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1020 \ Топширилди — 22.25
1 2 3 4 5